

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МАЗМУНИ

Рўзметова Сохиба Рўзмат қизи

Хоразм вилояти, Урганч тумани НМТТ тарбиячиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273240>

Ҳозирда мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини оширишда таълимнинг замонавий усулларида фойдаланиш жиддий аҳамиятга эга. Буни амалга ошириш учун эса, аввало, педагог-тарбиячиларнинг ўзлари илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган бўлишлари керак. Бунинг учун ушбу масалаларни мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари билан бевосита таълим жараёнида ўрганилмоқда. Хусусан, педагогик кенгаш, амалий ва назарий семинар машғулотлари ҳамда маслахат-тавсия бериш жараёнида бу масала долзарб бўлиб турибди.

Замонавий педагогик технологияларнинг турлари ва йўналишлари кўп бўлиб, улардан мактабгача таълим ташкилотларда кўпроқ бола шахсига йўналтирилган таълим, дидактик ўйинлар, интерфаол машғулотлар, муаммоли вазиятлар яратиш, лойиҳалаш методи кабилар қўлланилади. Шу жумладан, мактабгача таълим ташкилотида педагогик кенгашлар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишга замонавий ёндашувлардан бири сифатида белгиланган мақсад ва вазифаларга мос келадиган илғор педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Булардан ақлий ҳужум ва кластер (тармоқлаш) методлари турли мавзуларда кўпроқ ишлатилиб, турлича талқин этилади. Миллий таълим равнақини таълим-тарбия амалиётига самарали ва тежамли, янги шакл, воситаларни қўллаш, изланиш орқали юқори натижаларга эришишни қўзловчи педагогик технологиялар таъминлайди. Мактабгача таълимда янги педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш тарбияни таълимга боғлаш, ҳар иккисини тузилиши ва мазмун жиҳатдан яхлитлаштиришга, тарбияланувчи фаолиятини уюштиришга, мустақил фикрлашга йўллаш учун қулай шароит яратади.

Демак, педагогик инновацион технология таълим-тарбия жараёнини илғор воситалар, методлар, техник воситалар, усулларига таяниб такомиллаштириш тизими ҳисобланади. Бу тизим ўқитувчи ёки тарбиячи томонидан яратилади, таълим-тарбия босқичларини ўзаро боғлашга хизмат қилади. Унинг мазмуни ва вазифаларини, мақсадини олдиндан белгилаш, таълим-тарбиянинг шакиллари ва воситаларини тайёрлаш,

тарбияланувчида шакллантириш кўзда тутилган маънавий сифатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машғулотларни режалаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Шунинг учун таълим жараёнида боланинг тутган ўрни, яъни болага катталар томонидан кўрсатилган муносабат педагогик технологиянинг муҳим хусусиятидир. Машғулотлар орқали самарали натижаларга эришиш илғор инноватсион технологияларни қўллаш орқали юзага келади. Демак, педагогик технология таълимга тизимли ёндашув асосида татбиқ этилади.

Тарбиячининг бу жараён ташкилотчиси, раҳбари, ижодкор сифатидаги фаолияти асосини унинг билими ва маҳоратини, техник воситалардан фойдаланиб, боланинг қизиқиш ва интилувчанлигига таъсир кўрсатиш, болани энг кўп даражада фаоллаштиришга хизмат қилувчи усулларни қўллаб, қафолатланган самараларга эришиш қобилияти ташкил этади.

Инновацион технологияларни мактабгача таълим ташкилотларида – ўйин, машғулот, сайр давомида қўллаш яхши самара беради.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар инноватсион педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилганда педагоглар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Педагог бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчи вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида педагог асосий фигурага айланади.

Бугунги кунда таълим муассаларининг ўқув-тарбиявий жараёнда педагогик технологиялардан фойдаланишига алоҳида эътибор берилаётганлигининг асосий сабаби қуйидагилардир:

Биринчидан: педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигида. «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан: педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан: педагогик технология педагогни таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик жараённи тўғри ташкил этилиши педагогнинг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса тингловчилардан кўп мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб қилади.

Ҳар қандай педагогик технологияларнинг ўқув- тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий жиҳатдан келиб чиққан ҳолда тингловчини ким ўқитаётганлиги ва педагог кимни ўқитаётганига боғлиқ. Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар болаларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларга ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини ошириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инноватсион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоарни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахсларга айланади.

Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланилишига оид билимлар, тажриба талаба ёки ўқувчиларнинг билимли ва этук малакага эгаллигини таъминлайди.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.